


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

2024 №1

2011 йилдан чиқа бошлаган

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI AXBOROTNOMASI



ВЕСТИК ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ

Тошкент

УРОФЛОУМЕТРИЯ КЛИНИК АМАЛИЁТДА: ТЕХНИКАСИ, ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ВА КЛИНИК ҚҰЛЛАНИЛИШИ

Худайбердиев Х.Б.

УРОФЛОУМЕТРИЯ В КЛИНИЧЕСКОЙ ПРАКТИКЕ: ТЕХНИКА, ИНТЕРПРЕТАЦИЯ И КЛИНИЧЕСКОЕ ПРИМЕНЕНИЕ

Худайбердиев Х.Б.

UROFLOWMETRY IN CLINICAL PRACTICE: TECHNIQUE, INTERPRETATION AND CLINICAL APPLICATION

Xudayberdiev Kh.B.

Тошкент тиббиёт академияси

Описаны основные принципы уродинамики – отрасли урологии, которая изучает функциональные аспекты мочевой системы. При мочеиспускании моча выбрасывается с определенной скоростью, а уродинамические параметры, такие как давление внутри мочевого пузыря, уровень инфразвукового сопротивления и количество мочи, оставшейся в мочевом пузыре после мочеиспускания, изучаются для оценки функции мочевыделительной системы. Для определения этих параметров используются специальные медицинские устройства, наиболее простым из которых является урофлоуметр. Урофлоуметрия особенно полезна для оценки инфразвуковой обструкции и оценки эффективности мер лечения.

Ключевые слова: уродинамика, урофлоуметрия, инфразвуковая обструкция, лечение.

The article describes the basic principles of urodynamics, a branch of urology that studies the functional aspects of the urinary system. During urination, urine is ejected with a certain volumetric speed, and urodynamic parameters such as pressure inside the bladder, level of infravesical resistance, and amount of urine remaining in the bladder after urination are studied to assess urinary function. Special medical devices are used to determine these parameters, and the simplest of these is the uroflowmeter. Uroflowmetry is particularly useful for evaluating infravesical obstruction and assessing the effectiveness of treatment measures. The article highlights the importance of uroflowmetry in urodynamic evaluation and diagnosis, and underscores its utility in the management of urological disorders.

Key words: urodynamics, uroflowmetry, infrasonic obstruction, treatment.

Ер юзидаги деярли барча тирик организмлар ташқы мұхитдан баъзи моддаларни ташқы мұхитга ажратади. Инсон организми нафас олади, овқатланади ва суюқлик истеъмол қиласи, шу билан биргалиқда нафас, тер, нажосат ва пешоб чиқаради. Бу жараёнларнинг ҳаммаси физиологик қонуниятлар асосида содир бўйлиб туради. Бу физиологик қонуниятларнинг бузилиши патологик ҳолат юзага келишига сабаб бўлади [4]. Пешоб бўйракларда узулуксиз равишда пайдо бўйлиб туриши, қовуқда йиғилиб, вақти-вақти билан ташқы мұхитга чиқариб турилиши жараёнлари – табиий физиологик жараён бўйлиб, маълум физиологик қонуниятлар асосида содир бўлади. Бу физиологик қонуниятлар хусусиятларини ўрганиш ва билишлик орқали пешоб ажратиш билан боғлиқ бўлган патологик ҳолатларни бартараф қилиш йўллари топилади.

Сийиш акти вақтида сийдикнинг қандай тезлик билан отилиб чиқиши, сийиш акти вақтида қовуқ ичидағи босим, инфравезикал қаршилик дараражаси, сийик актидан кейин қовуқда қолган сийдик миқдори каби бир қанча параметрларни урология фаннининг уродинамика номли шахобчаси ўрганади. Бу параметрларни аниқлаш учун маҳсус уродинамик тиббий анжомлардан фойдаланилади. Бундай уродинамик тиббий анжомларнинг бир неча турлари мажуд ҳамда улардан энг оддийси урофлоуметрdir. Айниқса, инфравезикал обструкцияни баҳолашда ва

инфравезикал обструкцияга қаратилган даволаш тадбирлари самарадорлигини аниқлашда урофлоуметрияниң аҳамияти каттадир.

Урофлоуметрия натижасини тахлил қилиш бўйича баъзи мутахассисларимизда етарлича назарий билим ва тажриба етишмайди. Урофлоуметрия натижасини тахлил қилиш асослари бўйича ҳозиргача нофақат ўзбек тилида баён қилинган назарий маълумотларни топиш жуда мушкулдир. Шунинг учун қўйида урофлоуметрия натижаларини тахлил қилиш асосларини ўзбек тилида мухтасар равшида баён қилинмоқда.

Урофлоуметрия

Урофлоуметрия – сийиш акти вақтида сийдикнинг ҳажмий тезлигини вақт давомида ўзгаришини аниқлайдиган ноинвазив диагностик усулдир.

Урофлоуметрни 1957 йил вон Гаррелтс томонидан амалиётта татбиқ қилингунга қадар шифокорлар bemорлар сийиш актига баҳо бериш учун сийиш актини визуал кузатгандар. Урофлоуметрия ноинвазивлиги, арzonлиги ва бажарилиши оддий бўлгани сабабли сийиш актига баҳо бериш учун скрининг тест сифатида урологлар амалиётига тез кириб келди ва кенг тарқалди.

Замонавий урофлоуметрлар ишлаш принципларига қўра бир неча хил бўлиши мумкин. Ишлаш принципидан қатъий назар ҳар бир урофлоуметр аппарати қўйидаги қисмлардан иборат бўлади (1-расм):

- сийдик қабул қилувчи воронка.
- сигнал қайта ишловчи блок. Бу қисм тузилиши ишлаш принципига кўра урофлоуметрларда фарқ қилиш мумкин. Ушбу блок сийдикнинг воронкага оқиб тушиш ҳажмий тезлигига мос равища электр сигналларни пайдо қилади.

- сигнал узатувчи сим. Сигнал қайта ишловчи блокда пайдо бўлган электр сигналларини навбатдаги қурилмага узатиб беради.

- сигналларни қабул қилиб, натижани қофозга печатловчи қурилма. Бу қурилма компьютер бўлиши мумкин ёки 1-расмда кўрсатилгандек оддий блокдан иборат бўлиши мумкин. Унинг вазифаси: қабул қилинган электр сигналларини қайта ишлаб, сийдик оқими параметрларини ҳисоблайди ва шунинг асосида, оқим график қўринишини ҳамда оқим параметрларини қофозга печатлаб беради.

- электр манбаига уланувчи сим.

Урофлоуметрия натижаси печатланган қофозда доимо 2 нарса мавжуд бўлади (2-расм):

- сийдик оқими параметрлар кўрсаткичлари



2-расм. Урофлоуметрия натижаси қофозга туширилган қўриниши.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, хозирги вақтда Ватанимизда мавжуд урофлоуметр қурилмалари сийдик оқими параметрлари кўрсаткичларини инглиз тилида печать қилиб беради. 2-расм асосида сийдик оқими параметрлари тушунчалари қўйида келтирилди (тушуниш осон бўлиши учун параметрнинг инглиз тилида ёзилиши қавс ичда кўрсатилди) [2].


Сийиш актига сарфланган вақт (voiding time)

- сийиш актининг бошланишидан то тугагуничча сарфланган вақт.

Сийиш акти давомида сийдик оқиб турган вақт (flow time - TQ) – сийиш актининг бошланишидан то тугагуничча сарфланган вақт давомида сийдикнинг уретрадан воронка оқиб тушиб турган вақтидир. Тушуниш осон бўлиши учун қўйидаги мисолни келтирамиз: бемор сийиш актининг бошланишидан то охиригача 50 секунд сарфлади (voiding time), аммо сийиш акти узилиб-узилиб содир бўлди (тўхтаб-тўхтаб сийиш): 25 секунд сийиб, кейин 5 секундга сийиш акти тўхтаб турди ва ундан кейин 20 секунд яна сийиш акти давом этди. Бу холатда воронкага сийдик оқиб турган вақт дастлабки 25 секунд билан кейинги 20 секунддан иборат, яъни 45 секунддан иборат. Ушбу мисолда voiding time 50 секунд бўлса, flow time 45 секунддан иборат бўлади.

Оқим максимал ҳажсига етгунча кетган вақт (time to maximum flow - TQmax) – сийиш акти

- сийдик оқими график қўриниши



1-расм. Урофлоуметр қисмлари: 1-воронка, 2-сигнал қайта ишловчи блок, 3-сигналузатувчи сим, 4-сигналларни қабул қилиб, натижани қофозга печатловчи қурилма, 5-электр манбаига уланувчи сим.

	T100	20	s
Flow Time	TQ	20	s
Time to max Flow	TQmax	0	s
Max Flow Rate	Qmax	22.2	ml/s
Average Flow Rate	Qave	11.0	ml/s
Voided Volume	Vcomp	224	ml

бошланишидан то оқим ҳажмий тезлиги максимумга етгунча кетган вақт.

Оқим максимал ҳажсига тезлиги (maximum flow rate - Qmax) – оқим ҳажмий тезлиги ўлчангандан аниқланган максимал кўрсаткич.

Оқим ўртача ҳажсига тезлиги (average flow rate - Qave) – сийилган пешобнинг умумий ҳажмини сийик актига кетган вақтга бўлишдан келиб чиқсан катталиқидир.

Сийилган пешоб ҳажсми (voided volume – VV) – текшириш вақтида сийилган пешобнинг умумий ҳажсми.

Сийдик оқимини баҳолашда сийдикни отилиб чиқиши характерига (pattern) ҳам эътибор қилинади [5].


Сийдик отилиб чиқиши характерига кўра узлуксиз ва узлукли бўлиши мумкин [5].

Узлуксиз сийдик оқими эгрилиги (continuous flow curve) – сийиш акти бошланишида то охиригача сийдик оқим тезлиги нолга тушмайди, сийиш акти охиридагина нолга тушади. Ўз навбатида узлуксиз сийдик оқими 2 хил бўлиши мумкин: текис гумбаз шаклидаги эгрилик (3-расм) ва флюктуацияланувчи эгрилик (4-расм).


Узлукли сийдик оқими (intermittent flow) – сийиш акти бошланишида то охиригача сийдик оқим тезлиги бир неча марта нолга тушади (5-расм).



3-расм. Узлуксиз текис оқим.



4-расм. Узлуксиз, флюктуациялануучи оқим.



5-расм. Узлуклы оқим.

Оқим ҳажмий тезлиги (flow rate) - вақт бирлигі давомида уретра орқалы отилиб чиққан суюқлик ҳажми бўлиб, мл/сек бирлиги билан ўлчанади, яъни бир секундда неча миллилитр суюқлик отилиб чиқаётганлигини кўрсатади.

Урофлоуметрия ўтказишдан олдинги тайёргарлик

Урофлоуметрия текширувни ўтказиш учун текшириувчидан маълум бир тайёргарлик талаб қилинади [1].

Текшириувчи урофлоуметрия хонасига киришдан олдин қовуғида етарлича сийдик бўлиши лозимлиги тушунтирилади. Бунинг учун беморга одатда қандай даражадаги сийдикка қистов бўлганида ҳожатга борса, шундай даражада қистов пайдо бўлганида урофлоуметрия хонасига кириши лозимлиги тушунтирилади.

Одатда, шифокорлар беморларга пешоб тезроқ қовуқда йиғилиш учун суюқлик ичишни буюришади. Аммо суюқликни ҳаддан ташқари кўп ичиш, айниқса ёши кекса кишиларда муаян асоратларга олиб келиши мумкинлиги илмий адабиётларда баён этилган (гипергидратация, сийдик тутилиши ва бошқалар). Шунинг учун текширув олдидан ҳаддан ташқари кўп суюқлик ичишни олдини олган маъқул.

Болаларда эса урофлоуметриядан 1 соат олдин қўйидаги формула бўйича ҳисобланган ҳажмдаги суюқлик ичиш тавсия этилади: (зарурый суюқлик ҳажми = ($\text{ёш} \times 30 + 30$)). Одатда, урофлоуметрия параметрлари бир текшириувчининг ўзида турли вариабилликда учраш экстимоли бор бўлгани учун, текширувни камида 2 марта ўтказиш тавсия этилади.

Урофлоуметрия интерпретацияси

Урофлоуметрия қовуқнинг сийдик сиқиб чиқариш фазасини баҳолайди [1]. Сийдик ҳажмий тезлиги ва сийдик оқиб чиқиши характеристи қайд этиладиган параметрлардир. Агар бу 2 параметр нормада бўлса, сийдик сиқиб чиқариш фазасида бирон патология бўлиши экстимоли йўқ бўлади.

Оқим ҳажмий тезлигига баҳо беришда қуйидагиларга эътибор бериш муҳимдир:

- текшириш вақтида сийилган пешоб ҳажми; Илмий текшрув натижалари шуни кўрсатдики, текширув вақтида сийилган пешобнинг умумий ҳажмига кўра bemорда оқим ҳажмий тезлиги ҳар-хил натижка билан намоён бўлиши мумкин (6-расм). Хаққоний натижка олиш учун катта ёшдаги текшириувчилар учун бу ҳажм 200 мл дан 400 мл гача бўлиши лозим. Пешоб ҳажми бундан кам ёки кўп бўлган вақтда натижка ҳаққоний вазиятни кўрсатмаслиги мумкин. Аммо болаларда сийилган пешоб ҳажми қўйидаги формула бўйича топилган ҳажмнинг 50-100% ни ташкил этса, урофлоуметрия натижасини хаққоний деб ҳисобланади: (болада қовуқ ҳажми = ($\text{ёш} \times 30 + 30$))).

- текшириш вақтида атрофдаги шарт-шароит; текшириш вақтида bemор атрофида тинч, комфорт шароит яратишга ҳаракат қилиш лозим, акс ҳолда рухий факторлар ҳисобига текшириувчи сийиш акти ҳаққоний вазиятдан ўзгача бўлиши мумкин.

- текшириш вақтида bemорнинг ҳолати (турган, ўтирган ва ётган); Одатда, эркаклар турган ҳолатда бавл қиласидилар, аммо айрим эркаклар болалигидан ўтириб бавл қилишга одатлантирилган бўладилар ва улар турган вазиятда адекват бавл қила олмайдилар ёки аксинча. Аёлларда ўтирган ҳолатда бавл қилиш адекват ҳолат эканлиги ҳаммага маълум.


Баъзан нормал оқим тезлигига эга bemорларда инфравезикал обструкция бўлиши ҳам мумкин ва бунга аниқлик киритиш учун кўшимча равшида

“босим-оқим” номли яна бир уродинамик текшируви қилинади [3].


Уролофуметрия натижасини таҳлил қилиш учун қуйидаги тасиф бўйича таҳлил қилиш мумкин (7-расм).

Дастлаб сийдик оқими эгрилиги характерига қаралади:

- узлукли оқим;
- узлуксиз оқим.



6-расм. Сийиши актида ажралган пешоб умумий миқдорига (voided volume) боғлиқ равшида оқим максимал тезлигининг ўзгариши.



7-расм. Урофлоуметрия тахлиси.

Агар узлуксиз оқим бўлса, у ҳолда норма, детрузор активлигиги юкори, инфравезикаль обструкция ёки детрузор активлигиги суст бўлган вазиятлар бўлиши мумкин.

Агар узлукли оқим бўладиган бўлса, у ҳолда бемор сийиши акти вақтида кучаниши ҳисобига, де-

трузор-сфинктер диссинергия ёки детрузорнинг флуктуацияланувчи қисқариши ҳисобига шунда кўриниш бўлиши мумкин.

Узлуксиз пешоб оқими

Нормал оқим

Нормал ҳолатда пешоб оқими шакли “тўнкарилган қўнғироқ” шаклида бўлади (3-расм). Оқим максимал ҳажмига етгунча кетган вақт (time to maximum flow - TQmax) сийишига кетган вақтнинг дастлабки 1\3 вақтигача тўғри келиб, одатда 3-10 секунд оралиғида содир бўлади. Сийилган пешоб миқдорига кўра Qmax ҳар-хил бўлиши мумкин, шунинг учун сийилган пешоб миқдори 200-400мл оралиғида бўлса (китталар учун), олинган натижадаги Qmax ни ҳаққоний, деб қабул қиласиз. Уродинамиканинг “отаси” ҳисобланмиш Paul Abrams нинг “Uroynamics” номли китобида минимал талаб қилинган пешоб миқдорида Qmax соғлом одамда камиди неча бўлиши келтирилган (1-жадвал).

1-жадвал

Урофлоуметрия натижаларини ишончли бўлиши учун талаб қилинган минимал пешоб миқдорини ёшга боғлиқ ҳусусиятлари


Ёш	Минимал пешоб ҳажми, мл	Qmax, мл/сек	
		Эркак	Аёл
4-7	100	10	10
8-13	100	12	15
14-45	200	21	18
46-65	200	12	15
66-80	200	9	10

Инфравезикаль обструкция

Инфравезикаль обструкцияси бор бўлган беморларда урофлоуметрияда оқим максимал ҳажмий тез-

лиги ва оқим ўртacha ҳажмий тезлиги паст эканлиги аниқланиб, оқим ўртacha ҳажмий тезлиги кўрсаткичи оқим максимал ҳажмий тезлиги ярмидан катта

бўлади. Оқим максимал тезликка тез эришади (3-10 секунд ичida), сўнг секинлик билан пасайиб боради, шунинг ҳисобига сийишга кетган вақт ҳам узаяди (8-расм). Сийиш акти охирларида терминал дриблинг аломати кузатилиши мумкин.




8-расм. Инфравезикал обструкцияда пешоб оқими.

Детрузор активлиги юқори

Детрузор катта тезлик билан қисқариши ҳисобига сийдик оқими эгрилиги деярли тик шаклда бўлиб, оқим максимал ҳажмига етгунча кетган вақт жуда қисқа (1-3 секунд) бўлади. Бу ҳолатни детрузор активлигини супернормал ҳолати, деб ҳам аталади (9-расм).

Детрузор активлиги суст

Детрузор активлиги суст эканлигини урофлюмертия асосида 100% ҳолатда аниқлаш мумкин эмас, уни тахмин қилиш мумкин. Бунда пешоб оқими шакли симметрик шаклга яқин (оқим максимал тезликка эришган нуқтага нисбатан олинганди), оқим максимал тезлиги паст бўлади, оқим максимал тезликка эришган вақт сийишга сафрланган уумумий вақтнинг деярли ярмига тенг бўлади (10-расм). Детрузор активлигини сут эканлигини аниқ билиш учун уродинамиканинг “босим-оқим текшируви” (pressure-flow study) ўтказилиши керак.




9-расм. Детрузор активлиги юқори бўлганда пешоб оқими.


Узлукли оқим

Текширилувчи қучаниши ҳисобига иррегуляр (узлукли) пешоб оқими.

Айрим беморлар сийиш акти вақтида оқим тезлигини кучайтириш мақсадиди кучанадилар ва бунинг оқибатида пешоб оқими характеристи узлукли бўлиши мумкин (11-расм).



10-расм. Детрузор активлиги суст бўлганда пешоб оқими.



11-расм. Узлукли пешоб оқими.


Кучаниш сабабли пешоб оқими эгрилиги кўриниши турли шаклда бўлиши мумкин, чунки у инфравезикал обструкция бор бўлган ҳолтда ҳам йўқ бўлган ҳолтда ҳам ёки детрузор контрактиллиги турлича бўлган ҳолатларда рўй бериши мумкин. Одатда, оқим максимал ҳажмий тезлиги юқори бўлмайди.

Уретра активлиги юқорилиги сабабли иррегуляр пешоб оқими

Одатда, микция вақтида уретра сфинктерлари релаксация ҳолатида бўлади, аммо айрим беморларда микция давомида уретра сфинктери беихтиёр бир неча марта қисқариб-бўшашади ва бунинг ҳисобига пешоб оқими эгрилиги кўриниши иррегуляр бўлиши кузатилади. Бу ҳолатда пешоб оқими эгрилиги кўриниши, кучаниш сабабли юзага келган пешоб оқими кўринишга ўхшайди, аммо ундан фарқи, одатда, оқим максимал ҳажми юқорироқ бўлади. Буни детрузор-сфинктер диссинергия, деб ҳам аталади.

Детрузорнинг флюктуацияланувчи қисқариши сабабли иррегуляр оқим

Бу ҳолат, кўпинча неврологик беморларда кузатилиб, кўпчина тарқоқ склероз касаллиги бор беморларда аниқланади. Бунда детрузор деярли бир хил босим ҳосил қилиб қисқариш ўрнига флюктуацияли қисқаради (вақт давомида детрузор босими гоҳ кўтарилиб, гоҳ пасайиб боради) ва оқибатда пешоб оқими эгрилиги кўриниши узоқ давом этган ва иррегуляр бўлади. Одатда, оқим максимал тезилиги паст бўлади (12-расм).



12-расм. Детрузор флуктуацияланувчи қисқаришида пешоб оқими.

Адабиётлар

1. Aiello M. et al. Quality control of uroflowmetry and urodynamic data from two large multicenter studies of male lower urinary tract symptoms // Neurourology and Urodynamics. - 2020. - № 4. - Vol. 1170–1177.

2. Drake M. J. Fundamentals of terminology in lower urinary tract function // Neurourology and Urodynamics. - 2018. - № 6 (37). - Vol. 13–19.

3. Lemack G. E., Zimmern P. E. Pressure flow analysis may aid in identifying women with outflow obstruction // Journal of Urology. - 2000. - № 6 (163). - Vol. 1823–1828.

4. Osborn J. W., Tyshynsky R., Vulchanova L. Function of Renal Nerves in Kidney Physiology and Pathophysiology // Annual Review of Physiology. - 2021. - № 1 (83). - Vol. 429–450.

5. Wada N. et al. Uroflowmetry pattern in detrusor underactivity and bladder outlet obstruction in male patients with lower urinary tract symptoms // LUTS: Lower Urinary Tract Symptoms. - 2021. - № 3 (13). - Vol. 361–365.

УРОФЛОУМЕТРИЯ КЛИНИК АМАЛИЁТДА: ТЕХНИКАСИ, ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ВА КЛИНИК ҚҮЛЛАНИЛИШИ

Худайбердиев Х.Б.

Сийиш акти вақтида сийдик муаян ҳажсий тезлик билан отилиб чиқади. Сийиш акти вақтида сийдикнинг қандай тезлик билан отилиб чиқшиши, сийиш акти вақтида қовуқ ичидаги босим, инфравезикал қаршилик даражаси, сийик актидан кейин қовуқда қолган сийдик миқдори каби бир қанча параметрларни урологиянинг уродинамика номли шахобчаси ўрганади. Бу параметрларни аниқлаш учун маҳсус уродинамик тиббий анжомлардан фойдаланилади. Бундай уродинамик тиббий анжомларнинг бир неча турлари мажуд ҳамда улардан энг oddийси урофлоуметрdir. Айниқса, инфравезикал обструкцияни баҳолашда ва инфравезикал обструкцияга қаратилган даволаш тадбирлари самарадорлигини аниқлашда урофлоуметриянинг аҳамияти каттадир.

Калит сўзлар: уродинамика, урофлоуметрия, инфратовуш обструкцияси, даволаш.